

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Дўст

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№№ 3—4

(2540—2541)

1991 йил

13 ЯНВАРЬ

ЧОРШАНБА

НАРХИ 6 СЎМ

ЧОРШАНБАДАН...

ЖИНОЯТЧИ ҚОЧОЛМАДИ

Наманган шаҳридаги "ОРБИТА" фирмаси устаси Т. М. "ВАЗ-2101" белгили автомашинаси билан М. А.ни уриб юборди. Хайдовчи оғир тан жароҳати олган йўловчини шифохонага олиб кетаётганда у вафот этди. Бундан саросимага тушган Т. М. жиноят изини йўқотиш учун жасаддан қутулиш мақсадида кетаётганда йўлда машинаси бузилиб қолди. Шунда Т. М. давлат белгисидан бирини ечиб олиб, жасад ортилган автомашинани ташлаб жуфтакни ростлади. Аммо узокқа кетолмади. Қилни қирқ ерадиган осойишталик посбонлари жиноятчини қўлга олишди. Т. М.нинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

ҚОТИЛ УШЛАНДИ

Олмалик шаҳридаги 2-қурилиш-монтаж бошқармаси ишчиси А. Е. ширакайф ҳолда ов милтиғи билан (милтиқ ИИБда рўйхатдан ўтказилган) қўшниси В. Х.ни отиб ўлдирди. Қотил ушланди.

ТАФСИЛОТЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Узун туманидаги 1 май жамоа хўжалиги чўпони Р. Қ. ўзаро жанжал туфайли қўшниси Ш. Х.ни пичоқлаб қўйди. Ш. Х. шифохонага етмай вафот этди. Жиноят сабабларни аниқланмоқда.

156 МИНГ СЎМЛИК КАМОМАД

Тюмень шаҳридан Термиз темирйўл шоҳбекатида келган 3402 поезд таркибидagi 24205882 сонли вагон қабул қилинаётганда ундan 156 донa СТ6-55 маркали аккумулятор ўғирлангани маълум бўлди. Жаъми 156 минг сўмлик камомад борлиги аниқланди. Терговни нақлиёт ИИБ олиб бормоқда.

"ҲАЗИЛ"НИ ҚОНУН КЕЧИРМАЙДИ

Қўкон шаҳридаги Космодемьянская кўчасида истиқомат қилган Р. У. Данғара туманидаги 6-автохўжалик ишчиси Ш. Т.га ваъда қилган 400 минг ўрнига 100 минг сўм бериб, қўрқитганича унинг "ВАЗ-21063" белгили автомашинасини олиб қўйди. Зўравон бугун қилимиши учун азобланипти. Чунки қонун бунақа "ҳазил"ни кечирмайди.

Узоқдаги кўпқаватли уйдан узоқлашаётган учта нотаниш кимсапарнинг у ёқ-бу ёққа аланглаб, ҳовлиқиб, оғир сумкаларни у қўлларидан бу қўлларига олаётганлари Тўлқиннинг диққатини ўзига тортди. "Ҳойнаҳой булар бирорта жойни ўмаришган..." — ҳаёлидан ўтказди ва уларнинг ортидан тушди.

Шарпалар (улар орасида бир аёл ҳам бор эди) Максим Горький кўчасини тарк этиб, Янгибозор кўчасига қайрилишди. Участка инспекторининг ҳатти-ҳаракатидан бироз сергакланишди. Лейтенант уларга яқинлашиб, ўзини таништирди.

Шу вақт ҳалигилардан иккитаси "оёқни қўлга олиб" қоча бошлади. Учинчиси эса пайт пойлаб қўққисдан Тўлқинга мушт туширди. Иккала қўлида

пичоқ билан ҳамлага ўтди.

Шунда лейтенант исканжага олаётган безорини аввалига огоҳлантирди. Акс-садо бўлмагач, ерга қараб ўқ узди. Лекин бу жиноятчиға заррача таъсир этмади. Ноилож лейтенант зўравоннинг оёғига қараб ўқ узди. Шундагина безори ўзига келди ва қоча бошлади.

Ўқ товушини эшитган фуқаро Н. Аралов участка инспекторининг жонига оро кирди — иккалови безорини бир амаллаб қўлга олишди.

Муштумзўр 1956 йили туғилган Иван Лелеканис бўлиб чиқди. Аввал бир неча марта судланган.

...Бизнинг ҳикоямиз Ҳамза тумани, ИИБ участка инспектори, милиция лейтенанти Тўлқин Хушвақтов ҳаётидан бир лавҳа, холос.

2-БЕТ

"...Терлаб-пишиб мотоцикл итариб юрган одамни кўриб, Музаффарнинг кўнгли бузилиб кетди. Ахир, у ҳам бир вақтлар шундай... Аммо яхшироқ қарасаки..."

БУГУНГИ

3-БЕТ

"...Хиёл ўтмай жувон

"яримта"ни топиб келди.

Ўтиришди, кайф-сафо

қилишди. Соат кечаси ўн

яримлар бўлиб қолгач, энди

ким ҳам келиши мумкин

деб, ётишди..."

4-5-БЕТЛАР

Ўзбекистон

Республикасининг

"Сурункали алкоголизм ёки

гиёвандликка мубтало

бўлган беморларни мажбурий

даволаш тўғрисида"ги

Қонуни.

С
О
Н
Д
А

ЎҚИЙСИЗ

7-БЕТ

"...Тоғанинг гапини гап, сўзини сўз билган жиян улов эгасини йўқ қилишни кўзлаб, киракашга яна дала ҳовли томон ҳайдашни буюрди..."

МАҚТОВ — УНВОН ЭМАС

Милицияда 1987 йилдан бери ишлаб келаётган Т. Хушвақтов 20га яқин жиноий ишларни очишда иштирок этди. 3та йирик жиноятни шахсан ўзи очди.

Мақсадиимиз Тўлқинни мақташ эмас (мақтов — унвон бўлмаслиги керак). Балки Тўлқин Хушвақтов ва унга ўхшаган фидойи милиционерларнинг одилона ишлари билан сизни таништириш холос.

Холисона айтганда ҳақиқий баҳони халқ беради. Илтимосимиз, хизматингизда бўлган милиция ходимлари ҳақида бизга ёзиб тулинг.

Ҳ. ШОДИЕВ.

Суратда: участка вакили Тўлқин Хушвақтов.



Т. МУРОДОВ.

УЧРАШУВ

Ўтган йили Жиззах вилоятида содир этилган жиноятларнинг 71 фоизини жуда қисқа муддатларда очишга муваффақ бўлинди. Республиканинг катта шаҳарлари, шунингдек Москва, Екатеринбург каби Россия шаҳарлари билан таққослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич анча юқорилиги маълум бўлади. Вилоят ИИБ раҳбарияти мана шу кўрсаткичларни янада кўтариш, милициянинг халқ билан мулоқотини мустаҳкамлаш мақсадида яқинда вилоят ИИБ ДАН биносида Жиззах шаҳар маҳалла фаоллари билан учрашув ўтказди. Унда шаҳар ва туман ИИБлари ходимлари, ҳуқуқ-тартибот муҳофазаси билан шуғулланувчи бошқа идоралар вакиллари ҳам иштирок қилишди.

Йиғилишда инсон ҳуқуқларини муҳофазалаш, қонун нуфузини ошириш бо-

расида сўз юритилди. Унда вилоят ИИБ бошлиғи полковник Қ. Имомов нутқ сўзлади.

У ёш авлодни тарбиялаш, жиноятчиликка қарши курашда, унинг олдини олишда жамоатчилик ҳар доим етакчи роль ўйнаб келганини таъкидлаб, ёшлар тарбиясида кексаларимизнинг панд-насихатлари милиция олиб бораётган ишлардан кўра таъсирчанроқ эканини айтиб ўтди.

Маҳаллалар фаоллари эса бугунги кунда миллатлараро низоларга ундовчи шахсларга нисбатан мурасасиз бўлиш кераклигини таъкидлашди.

Йиғилишда вилоятда осойишталикни сақлаш учун жамоатчиликнинг кўмағига милиция ҳар қачонгидан ҳам муҳтож экани айтилди.

Шунингдек кейинги қилинадиган ишлар ҳам режалаштирилиб олинди.

С. ИЗБОСАРОВ,
милиция майори.

Йўл тасодифларга тўла. Ҳеч ким мен моҳир ҳайдовчиман, деб ўзига эрк бермаслиги керак. Рулдами, фикри ёди йўлда бўлмоғи лозим. Акс ҳолда қутилмаган тасодифлар кишига қаттиқ панд бериши мумкин.

Бахтсиз тасодиф

Фурқат туманидаги Қўшчи қишлоғида яшовчи Ж. Нишонов ўзининг "Урал" белгили 62-09 ФЕН давлат рақамли мотоциклни бошқариб кетаётиб, "Қўшчи-Чекшариф" йўлининг 3-километридан ўтганда сигирни уриб юборди ва ўзи ҳам йиқилди.

Ж. Нишонов қаттиқ тан жароҳатидан ўша ернинг ўзидаёқ вафот этди.

ДАН ходимлари мотоцикл ҳайдовчиларига бошга махсус кийим кийиб юришни таъкидлайдилар.

Ж. Нишонов бунга амал қилганида, тирик қопармиди?

С. ҚОРАБОВЕВ.

"ИЖОДКОР"

Тижорат соҳаси "уддабуронлари" моллар тақчиллигидан фойдаланиб қолишмоқчи бўлганларида одатда қонунга хилоф иш тутишлари ҳеч кимга сир эмас. Яқинда Олот туманида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан сохта ароқ тайёрловчи шахс аниқланди.

У кичик корхоналардан бирида экспедитор бўлиб ишлар экан (тергов манфаатлари туфайли унинг исму шарифини тўлиқ келтирмаймиз).

Олот тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори С. Пўлатов раҳбарлигида ўтказилган оператив тадбир чоғида қуйидагилар маълум бўлди. Фойдали "бизнес" билан шуғулланишга аҳд қилган Т. Д. 1992 йилнинг декабрь ойида Красноярск шаҳрига бориб, спирт ҳамда сохта ароқ тайёрлаш учун керак бўлган асбоблар етказиб берувчи кишиларни топади. Унинг бу-

юртмаси кўп ўтмай бажарилди ва янги йил арафасида яна ҳам тақчил бўлиб кетган "ароқ" ишлаб чиқарила бошланди. Лекин хонаки фаолиятнинг авж олишига милиция ходимлари чек қўйдилар.

Суриштирув пайтида тайёр маҳсулотнинг бир қисми "Наргиза" тижорат дўкони ва унинг филиалига жўнатилгани маълум бўлди. Оператив гуруҳ ходимлари у ерда 14 қути ясама ароқ борлигини аниқладилар. Экспедиторнинг уйдан ҳам сотиш учун тайёрлаб қўйилган яна 13 қути ароқ, уни тайёрлаш учун зарур бўлган буюмлар, 40 дитр спирт, 78 донa бўш шиша, 105 минг сўм пул топилиди.

Мазкур воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Е. ЗУЕВ,

Бухоро вилояти ИИБ матбуот гуруҳи бошлиғи.

Сиз кутган, кутмаган хабарлар

Суднинг курсида икки нафар, савлатидан от ҳуркадиган йигитлар ўтиришибди. Иккови ҳам пушаймонда. Бири Паст Араб қишлоғида йигирма тўрт ёшли Нормурод Бойматов, кейингиси ундан бир ёш кичик Гофир Нормуродов. У Окдаҳана қишлоғида яшайди. Жўралар бир-бирлари билан Қамашни туманининг Қизилтепа қасабасида танишишган. Гофир шу қасабадаги ўрмон хўжалигида қўл учиди ишлаб, Нормурод болалаб кетган ширкат-ошхоналардан бирида ошпазга сал-пал ёрдам бериб юрган.

Кунлардан бир кун Нормурод Гофирдан сўраб қолди:

— Жўра, шу силар тарафда (тоғ тарафда демоқчи — Ҳ. Қ.) биров ЧЗТ-350 белгили мотоцикл миниб юради. Уни мен шу чорраҳадан ўтиб-қайтганини кўриб қоламан...

— У Қоракўз қишлоғида яшайди.

Бориб-бориб, гуруннинг якуни ана шу мотоциклни ўғирлаш режаси билан тугади. “Операция” 11 июлга белгиланди.

Гофирнинг уйигача йўл анча олислиги туфайли Нормурод кундузи йўлга чиқди. Тунги соат 23 гача Гофирниқиди ёнбошлаб ётиш-



ди.

...Музаффар Жовлиевлар оиласи ҳадик-хавотирдан холи ухлаб ётишган бир паллада икки шарпа ёки жонли кўланка томорқа тарафдан ховлига кириб келди. Ҳеч ким сезмади. Қаққайиб турган мотоцикл устига ёпилган нарса бир четга учди.

Кўчада ўғриларнинг омади юришмади. Мотоцикл ўрнидан ўт олмас экан. Етаклаб кетишга мажбур бўлишди. Бири чарчаси, иккинчиси. Иккинчиси ҳолдан тойса, биринчиси. Нима бўлди-ю, ярим йўлга етганда Гофир уйига кетиб қолди. Нормуроднинг бир ўзи мотоциклни судраб кетаверди. Бобуртепа сув омборининг

устига келганда, Нормуроднинг нафаси бўғзига тиқилди. Ўлжани суяб қўйиб, ўзини таппа ерга ташлади. Ўзига келиб бундоқ қараса, мотоциклнинг думғазасида “37-45 КФД” рақами турибди. Дарров ечиб, улоқтирди.

Шу алпозда узоқ йўл юриб, бир аҳволда уйига етиб келди. Келган заҳоти мотоциклни эгаси танимайдиган ҳолда бўяб ташлади. Кейин у ёқ-бу ёғини созлаган бўлдию лекин барибир итариб ўт олдирадиган касалини тузатолмади.

Эндиги гапни мол эгаси М. Жовлиевдан эшитинг. У орадан анча вақт ўтгач, тақдирга тан бериб, қўшнисининг мотоциклга

мингашиб Қамашни томонга кетаётган эди. Тасодифни қарангки, Паст Араб қишлоғида буриладиган ерда кимдир терлаб-пишиб мотоцикл итариб юрган экан. Уни кўриб Музаффарнинг қўнгли бузилиб кетди. Ахир у ҳам бир вақтлар шундай... Аммо яхшироқ қарасаки, бояги мотоцикл ўзиникига жуда-жуда ўхшаб кетади. Текшириб кўрмоқчи бўлди.

Нормурод “ҳалол” молининг ёнида ҳансираб ўтирганда икки номаълум йигит унинг эгасини сўраб қолди.

— Ўзимники, — деди у шошиб. — Ўртоғимдан сотиб олганман.

Музаффар бунга ишонмади. Синчиклаб қараб ўзининг уловини таниди. Ўтиргичининг бир четини қўл билан тикиб қўйганди. Милицияга хабар берди.

Шундай қилиб икки ўртоқнинг сирини фош бўлиб қолди.

Маълум бўлишича, Нормурод илгари ҳам бир ўртоғи билан касалхонадан линолиум ўғирлаб, қўлга тушган экан.

Ўғрилар тегишли жазоларини олишди.

Ҳазратқул ҚУДРАТОВ.

Юкни

“енгиллатувчилар”

Шу йилнинг октябрида Янгибозор тумани халқ суди темирйўл юк бекатларида ўғрилиқ қилган бир неча томтешарларнинг жиноий ишларини кўриб чиқди.

Мана улар: ҳеч қаерда ишламайдиган Баҳром, Ўктам ва Арслонлар “Урганч” бекатида турган вагонни очишиб, 29 қоп картошкани ўмарадилар. Сабзавотлар Красноуфимск шаҳридан вилоят мева ва сабзавот сақлаш омборига жўнатилган экан.

Тўрт нафар йигитни бирлаштирган иккинчи жиноий гуруҳ эса Урганч шаҳридаги ошхоналардан бирига тушиб, “Электрон” телевизор, магнитофон 11 дона кассета, электрон соат, эллик дона бир сўмлик танга пулларни шилишган. Бу камлик қилгандай, темирйўл бекатида турган вагонни бузиб, 19 қути конфетни гумдон қилишган.

Мазкур гуруҳни қўлга олишда “Урганч” бекати тармоқ милиция бошлиғининг ўринбосари милиция майори Б. Собиров, ЖКБ ходими милиция лейтенанти О. Отажонов, тергов бўлими ходими милиция майори О. Абдуллаевларнинг хизматлари катта бўлди.

С. БОБО.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ
ХАБАР ҚИЛАДИ

ЛАПАШАНГ ЎҒРИ

Зангиота туманидаги “Ўзбекистон” жамоа хўжалигида яшовчи Абдуғаффаровнинг уйига ярим кечаси аллақандай шарпа оралади. У тўппа-тўғри молхонага қараб келарди.

Эндигина сигирнинг арқонини ечаётган “шарпа” тўсатдан оёқ товушини эшитиб, юрагига гулгула тушди. Олдин, “ўзимга ўхшаган бирортаси бўлса керак-да”, — деб ўйлади, кейин товушнинг дадиллигидан бу фикридан қайтиб, ўзини босди. Ёнида тўппончаси бор, дадил бўлавериши мумкин.

Уй соҳибининг қаршисидан тўсатдан кимдир тўппончаси билан отилиб чиқди. У саросимага тушмади, қаратганининг ҳадисини олган экан чамаси, орадан кўп вақт ўтмай ўғри унинг остида типирчилаб ётарди.

Кўп ўтмай етиб келган милиционерлар “шарпа”нинг ёнидан пичоқ ҳам топилди.

Тергов давом этмоқда.

СУРБЕТ ГУРУХ

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани ИИБ ходимлари бир йилдан буён пойтахт аҳолисининг тинчини бузиб келаётган катта бир жиноятчилар гуруҳини тугатди. Бу гуруҳ содир қилмоқчи бўлган ишларини олдиндан пухта тайёрлаб олар экан. Кўпинча бугунги кунда ўзининг аҳволини яхшилаб бораётган ўртаҳол тижоратчиларни ўлжа қилишар экан. Гуруҳнинг аслаҳалари айтарлиқ кўп бўлмаса ҳам, қоронғу тунда талаган хонадонлари анчага бориб қолган.

Уларнинг сурбетлиги шунда кўринадик, ўтган йилнинг 24 ноябрь куни кечаси, юзларига қора ниқоб тақиб, пичоғу қирқма милтиқлари билан Ризахўжаевнинг уйига бостириб киришади.

Японияда ишланган магнитофон, турли хил тилла тақинчоқлар, кийим-кечақларни олиб ташқарига чиқишади. Юк, турган гапки, анча

оғир эди. Такси ёллаб ўтиришга эса тоб йўқ. Шунда ҳовлида турган “ВАЗ-2107” машинасига юкларни орттириб-да жўнаб кетишди. “Нол еттини” кўп овора қилишмади. Эртаси куни уни эгасига 50 мингга сотишди.

Шундай қилиб жиноий гуруҳнинг қора ниқоби йиртилди-ю, кўпгина ишлари ошкор бўлиб қолди.

МУРОСА ТУГАГАН ЖОЙДА

Эндигина 19 баҳорни қаршилаган жувоннинг жасади ўз уйидан топилган эди. У бўйнига урилган пичоқ зарбидан вафот этган.

Олиб борилган текширувлар натижасида қотил аниқланиб қўлга олинди. Бунини қарангки, у жувоннинг турмуш ўртоғи Норматов экан.

Терговни Денов туман прокуратураси олиб бормоқда.

ОХИРГИ ЧОРА, ҚУТҚАРСА ЗОРА

Пул ва бойлик орттириш ишқи одамларни не қуйларга солмайди? Солдатский шаҳрида жойлашган “Лаззат” хусусий дўконда ишловчи Отабоев молларнинг нархини бир неча баробар ошириб сотгани етмагандек, харидорларнинг ҳақидан ҳам уриб қолар экан. Қуйи Чирчиқ туман ички ишлар бўлими ходимлари бу ишга чек қўйишди. Отабоев навбатдаги харидорни “шилаётганда” қўлга тушди ва дўкон ҳамда омборхона тафтиш учун муҳрланди.

Ойини этак билан ёпиб бўлмаслигини билган Отабоев кечаси билан мишра қочмай чиқди. Уни ёмон хаёллар қийнади. Охири бир тўхтамага келиб, дўкон томон йўл олди. Қўлидаги идишда бензин ҳам бор эди.

Бир соатдан сўнг дўкон ва омборхона ловуллаб ёнарди. 120 метр квадрат майдон, 100 минг сўмлик моллар ёниб кул бўлди.

Отабоев эса ўша кунгидек ҳибсга олинди.

Марказ ходими Анвар ҲАКИМОВ хабарланди.

ТУНДА
УЗИЛГАН ЎҚ

“йўқ” жавобини олгач, ёнидан қирқма милтиқ чиқариб, майорнинг юзига тирайди. Иккинчиси эса милиция ходимининг юзига мушт тушириб, уни зўрлик билан машинадан тушириб юбормоқчи бўлади. В. Л. қараса, аҳвол чатоқ. У пайт пойлаб ўзига бириктирилган “Макаров” тўппончасидан аввал осмонга, кейин жиноятчиларга қаратиб ўқ узди. Натижада қирқма милтиқ ушлаб турган жиноятчи тан жароҳати олди. Бунини кўрган бошқа икки жиноятчи жуфтакни ростлаб қолишди.

Тан жароҳати олган шахс ўзининг исм-фамилиясини, Олтиариқ туманидаги Полосон қишлоғидан эканлигини айтиб, шифохонада вафот этди. Босқинчининг ҳамтовоқлари қидирилмоқда.

Абдуҳаким АҲМЕДОВ.

Ўғрига дуч келишдан худонинг ўзи сақласин. Сурбет ўғрига дуч келишдан эса икки карра худо асрасин экан.

Олмалик шаҳридаги “Дехқон бозори” ҳаминша гавжум бўлади. Кўпчилик шахсий уловларида келиб, уларни бозор яқинидаги тўхташ жойига қўйиб кетишади. 29 ёшли Дроздов бундан ўз ўрнида фойдаланмоқчи бўлди. Қараса, бир чеккада “Жигули”


«Жаҳли»
ЧИҚДИ

мунғайбгина турибди. Ён-атрофида ҳеч ким йўқ. Шарт эшигини очдию моторини ўт олдиришга уриниб кетди. Билмади, қанча маҳал уннади, лекин иши энди битай деб қолганида кимдир қичқариб қолди: “Тўхта!” “Ким бўлдикин бемаҳалда одамга халақит берадиган?” — деган ўй ўтди Дроздовнинг хаёлидан.

Ўғрининг дабдурустан жаҳли чиқди. Бўлмасачи, минг амал-тақал билан бир ишни уддаласанг-у, кимдир халақит бериб ўтирса. У кўпчилик “ҳамкасблари” каби орқа-олдига қарамай қочипни хаёлига ҳам келтирмаётган эди. Бамайлихотир машинадан тушди ва чўнтагидан пичоқни чиқарди. Икки ўртада олишув бошланди. Натижа эса маълум: улов эгаси касалхонага, жиноятчи қамоқхонага тушди.

Ҳ. Анваров.

ЭҲ, АЁЛЛАР,



Одатда газетага бирор жиноий иш ҳақида мақола ёзатуриб қийналасан киши. Ахир жиноятчи ҳам одам, унинг ҳам қайси маънодадир ўз сирлари бўлади. Айниқса аёллар бу ишга аралашган бўлса ёзиш жуда оғир кечади. Бу сафар мана шу сабаблар туфайли ҳам «қаҳрамонларимиз»нинг исму шарифларини ўзгартдик.

Ҳақиқатан ҳам Лолахоннинг бахти чопмади. Бўлмаса тўрт фарзанди бўла туриб эридан ажрашармиди. Фарзанд боқиб, тарбиялаш, ўстириш осон иш эмас-да, ахир. У турмуш деган оғир аравани ёлғиз ўзи судраб юрган кезлари Иброҳимжон исми бир йигит билан танишиб қолди. Эскиларимиз: «Тенг тенги билан, тезга қопи билан», — деб кўп билиб айтишган экан-да. Буни қарангки, Иброҳимжон ҳам уч фарзанди бўла туриб хотини билан ажралишган, ойлик маошининг қоқ ярмини алиментга тўлаб юрган экан.

Иккаласи ўзлари ишлайдиган фабрикада танишишди. Олдин бир-икки дарду ҳасрат бўлишди, ниҳоят 1984 йилнинг май ойида турмуш қуришди. Иброҳимжон Лолахоннинг болалари билан ўз уйига қўчириб келди. Икки ўртада чиройлигина турмуш бошланди. Лолахон савдогарчилик билан шуғулланарди. Иброҳимжон ҳам топарман-тутарман бўлиб қолган, иккови рўзгорни тебратиб юришди. Орада бир фарзандлик ҳам бўлишди. Ўғай ота бўлса-да Иброҳимжон болаларга жуда меҳрибон эди. Уларнинг ейиш-ичишдан, уст-бошдан камчилиги бўлмади.

Кунлардан бир кун Лолахоннинг ўғли Дилшодда бир ташаббус пайдо бўлди: уйда ит боқишга жазм қилди. Бу Иброҳимжоннинг кўнглига ўрнашмади. Рози бўлмади ва икки ўртада жанжал чиқди. Оқибатда Дилшод онаси келгунча барча нарсани йиғиштириб ўз ўйларига олиб кетиб қолди. Ўғай ота нима деярини билмай лолу ҳайрон қолаверди.

Бир аёлнинг макри

Бўлиб ўтган бу воқеага қарамасдан, Лолахон Иброҳимжоннинг уйига келиб кир-чирларини ювиб, овқатига қараб юрарди.

Лолахон савдогарчилик билан шуғуллана туриб Нодирбек исми йигит билан ҳам танишиб олди. Хотин кишининг ҳийласини қарангки, у: «Эрим бешта болам билан ташлаб кетди», — деб бу йигитни ҳам тузогига олинтирди. Икки орада «борди-келди» бошланади. Лолахон: «Менинг бешта фарзандим бор, энди иккаламиз опа-сингил ту-тинайлик», — деб Нодирбекнинг хотинини ҳам лақиллатди. Унинг эри билан эса давру-давронини сураверди.

Аёл бу йигитдан ҳам усталик билан фойдаланди: уйига газ, сув туширди, уйни таъмирлаттирди. Беш-олти ой мобайнида Абдулҳамид Чўлпон кўчасидаги уйда пинхона яшаб юришди.

— Бу ҳаёт жонга тегди, — деди

бир кун Лолахон. — Эртага бизни-кига боринг. Топган-тутганингизни ола келинг.

Бу пайтга келиб Нодирбекка айрим нарсалар маълум бўлиб қолганди.

— Бўпти, эрингиз уйда бўлмаса борсам боравераман, — деди у.

— Бир овқатга уннаб юборасизми? — деди Нодирбек жазманининг уйига кириб келган заҳоти.

сира ўйламаган эди-да. Асаби ўйнаб, рашк ўтида ёнаётган эр нима деярини билмай ташқарига чиқиб кетди.

Орадан ярим соатлар ўтиб-ўтмай Иброҳимжон яна ўша уйнинг ёнида пайдо бўлди. Бу сафар қўлида чойнак ҳам бор эди. Номусга чидаёлмаган эр аллақадан бензин олиб келган экан. Зум ўтмай уй гуриллаб ёна бошлади. Ўзи эса орқа-олдига


қўриб чиқилди. Уни Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 80-модда 4-6-бандлари билан айблаган экан. Лекин бу ўз тасдиғини топмади. Гувоҳларни сўроқ қилиш мобайнида шу нарсалар аниқландики, Иброҳимжонда уларни ўлдириш нияти бўлмаган. Бундан ташқари, у келтирган барча зарарни қоплаш билан бир қаторда болаларига бир сидра уст-бош ҳам қилиб берган. Мажлисида жабрланувчи Лолахон ва Нодирбеклар унга нисбатан даъволари йўқлигини айтишди. Иброҳимжоннинг ўзи ҳам қилган ишидан пушаймонлигини билдирди. Шуларни ҳисобга олган суд Иброҳимжонни уч йиллик мажбурий меҳнатга жалб этишга ҳукм чиқарди.

Суд-ку ўз ҳукмини чиқарди, лекин воқеанинг жиноий қонунлар доирасига кирмайдиган, маънавий томонлари ҳам борки, бунга биз — муаллиф ва ўқувчилар бир қўр назар ташлаб ўтишимиз лозим.

Маълумки, зино исломда қаттиқ қораланади. Бу бежиз эмас, албатта. Мана, биз қўрган ҳолатда ҳам шу ифлослик ортидан икки оиланинг дилига оғриқ тушди. Икки оилага, (балки яшаб кетишар), бир умрлик совуқлик оралади.

Бундан ташқари бу воқеанинг асл гуноҳкорини, топиш ҳам мушкул. Ҳар ким ўзича фикр қилади. Биз ҳам ким гуноҳқору, ким «оппоқ» лиги ҳақида хулоса қилишдан тийиламиз. Буни ўзингиз топиб олаверинг.

Ўқтамжон ҲОЛИҚОВ,
Андижон вилоят ва шаҳар
судининг маслаҳатчиси.



Оналик меҳрини ким беради?

Икки нафар норасида фарзанднинг онаси Д. Ҳошимова ўйланмай-нетмай жиноятга бош қўшди. У шахримиздаги ширкатлардан бирида, оиласи бузилган бўлсада, яхшигина ҳисобчилик қилиб юрганди. Шайтон йўлдан урдими ёки бойлик орттирмакчи бўлди, бу ишга аралашганини сезмай қолди.

Ўттиз икки ешли бу аёл ўзидан етти еш кичик, илгари судланган Б. Раҳимжонов деган шахс билан тил бириктирди. Улар Шайхонтохур тумани Марказ-15даги уйлардан бирида яшовчи, Ҳошимованинг таниши З. Мақсудхўжаевнинг уйини тунаш режасини тузишди ва К. Сазонова деган аёлни ҳам: «Биз билан меҳмонга борасан» — деб машинага миндириб олиб келишди.

Бу ерга келиб, меҳмондорчилик қизиган пайтда Д. Ҳошимова: «Пул беринг, шампан олиб келаман», — деб аёлни уй эгаси билан елгиз ташлаб, ўзи кўча эшигини очиб қолдириб чиқиб, Раҳимжонов ва унинг шерикларига йўл очиб эканини айтди.

Босқинчилар никоб кийиб, уйга бостириб киришди. Мақсудхўжаевни кўрқитиб ва оёқ-қўлларини боғлашди. Сазоновани эса хожатхонага қулфлаб қўйишди. Бу ишларни бошловчи Ҳошимованинг ўзи эса пастда қоровул бўлиб турди.

Шундай қилиб Мақсудхўжаевнинг уйи талончилар томонидан остин-устун қилиниб, унга тегишли бўлган жамми 63577 сўмлик мол-мулк олиб кетилди.

Босқинчиларнинг ўлжага олинган молларни Сазонованинг онасини уйига — Сирғали туманига элтиб қўйишди. Улардан бири: «агар бирор жойга хабар берсанг, ўзингдан кўр» — деб чиқиб кетишди.

Мақсудхўжаев эса босқинчилар жуфтакни ростлаб қолишгандан сўнг, қўшнилари ерданга чакирди. Тезда милицияга хабар беришди. Милиция ўз навбатида

жиноятчиларнинг изига тушди. Орадан кўп ўтмай улар қўлга олинди ҳам. Жиноий иш қўзғатилди.

Бу ишда асосий ролни Ҳошимова ўйнаган. У илгари ҳам бу хонадонга келиб турарди ва нималар борлигини биларди. Шундай йўл билан бойлик орттирмакчи бўлган. Лекин кўндан бу режасини амалга оширолмасдан юрарди. Чунки унга шерик керак эди. Шунинг учун у Раҳимжоновни араб қўлга туширди.


Шайхонтохур халқ суди, шу туман прокурори ерданчиси О. Шарипова иш-тироқида ушбу жиноий ишни кўриб чиқди. Б. Раҳимжоновнинг шериклари аниқланмагани боис, илгари ҳам ўғирлик қилганини, жазони тўла ўтамай яна жиноят содир этганини ҳисобга олиб, суд уни Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 127-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топди. Мол-мулкни мусодара этиб, ўн йил, илгари ўтамай қолган жазодан бир йил қўшиб ўн бир йил овоздликдан маҳрум этди.

Судланувчи Д. Ҳошимовага ҳам юқоридаги модда қўлланилди. Аммо икки нафар фарзанди борлиги эътиборга олинди. Унинг мол-мулкни мусодара этилиб, етти йил муддатга овоздликдан маҳрум этилди. Ўлжага олинган буюмларнинг баъзилари ўз эгасига қайтарилди. Қайтарилмай қолган 19700 сўмлик молнинг қийматини тўлаш мажбурияти ҳар иккала судланувчига юклатилди.

Йиллар ўтади, аёл жазони ўтаб қайтади. Зеро, қачон келаркин, деб йўللарга интизор кўз тиккан икки норасида гўдакнинг ўқис қалбига ким малҳам бўларкин? Дунёда ҳеч бир ўзга зот фарзандга оналик меҳрини ато этолмайди. Бу норасида гўдакларга ким ўша меҳрни берадиган?

Иzzат АҲМЕДОВ.

АЁЛЛАР...



бир-биридан ажойиб кўрсатувларнинг ижодкори (тан олиш керак) В. Листьев навбатдаги «Тема» мунозарасининг мавзусини шафқатсизлик хислатига бағишлади. Яъни, бундай хиссиёт аёлларда кучлироқми ёки эркекларда? Иш-тироқчиларнинг кўпчилиги бу борада аёллар «устунроқ» эканлигини таъкидлашди.

Биз эса бу фикрга мутлақо қаршимиз. Аёл аёллиги билан гўзал. Ҳар қандай вазиятда ҳам шафқатсизлик ўрнини бир сония ичида меҳрга

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

«Яқинда Масков ойнаи жаҳонидан кўпчиликка яхши таниш,

бериб қўя оладилар, Эркакларда эса бу жараён узоқ давом этади. Сиз нима дейсиз?

Н. ҲАСАНОВА,
И. САТТОВА,
Китоб тумани.

ТАҲРИРИЯТДАН: биз аёлларимиз ҳақида юқоридаги мақолаларни саҳифага қўётган вақтимизда ушбу мактубни олдиқ ва чоп этишни маълум қўрдик. Муаллифларга эса жавобимиз қуйидагича:

Сингилжонлар, аввало бизга мактуб йўллаганларингиз учун ташаккур. «Тема» кўрсатувига келсак, бу мунозарани Листьев бошлабдими, Листьевнинг ўзи тугатиб қўя қолсин, хўпми? Қуйида эса эътиборингизга юқоридаги икки мақоладан мазмунан ўта фарқли бўлган, жасур қизларимиз тўғрисидаги кичик бир мақолани ҳавола этишни лозим қўрдик (биз учун ўзаро меҳр-оқибат мавзусини кўтариш муҳимроқ, шундай эмасми? Сиз нима дейсиз?).

ТОЛИБА ҚИЗ ЎҒРИНИ УШЛАДИ

4 январь кечки соат еттилар атрофида. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент маданият олий билимгоҳи 1-ётоқхонасининг 11-хонасида яшовчи хўжандлик толиба қиз Гўзал Жумаевани қўшни хонадан эшитилаётган шитирлаган овоз тинчини бузди.

Гўзалнинг ўзи воқеани шундай ҳикоя қилади:

— Овоз чиққан курсдошимнинг хонасига яқинлашдим. Чироқ ўчиқ, икки номаълум ки-шининг паст овозда алланималарнидир гаплашаётгани эшитиларди. Мени қўрқув аралаш ваҳима босди.

Бу ҳақда Ёрқин исми йигитга хабар бердим. У тезда пастга тушиб кетди. Менга эса балкондан кузатиб туришни айтди. Шарпалар сезди шекилли деразани

синдириб, иккинчи қаватдан ўзларини ташлашди. Бири қочиб кетишга улгурди, шеригини ушладик.

Уни эшикбоннинг хонасига бошлаганимизда ялиниб-ёлворишдан нарига ўтмади. Сўнгга «02»га хабар бердик.

Зум ўтмай воқеа жойига милиционерлар етиб келишди...

Бу номаълум шахс Мирзо Улугбек тумани ички ишлар бошқармасига келтирилиб суриштирилганда илгари судланган 1970 йилда туғилган Владимир Завяялов эканлиги аниқланди. Шериги эса қидирилмоқда.

Ҳозирча ўғри терговчига мастликда ўғрилик қилганлигини рўқач қилмоқда.

ЗИЁД.

**СУРУНКАЛИ АЛКОГОЛИЗМ ЁКИ ГИЁВАНДЛИККА
МУБТАЛО БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ МАЖБУРИЙ
ДАВОЛАШ ТЎҒРИСИДА**

е) 27-моддасининг биринчи қисмидан "ёки даволаш-тарбия"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ СУРУНКАЛИ АЛКОГОЛИЗМ ЁКИ ГИЁВАНДЛИККА МУБТАЛО БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ МАЖБУРИЙ ДАВОЛАШ ТЎҒРИСИДА

деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1967 йил 31 майдаги Фармони билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги Фармони тахририда) Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлар билан иш олиб борувчи жамоат тарбиячилари тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Вedomостлари, 1985 йил 31, 363-модда).

3-моддасининг биринчи қисми "д" бандидаги ва 7-моддасининг биринчи қисмидаги "даволаш-тарбия" деган сўзлар "ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1972 йил 26 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган "Ичкиликбозликка қарши кураш олиб борувчи комиссиялар тўғрисидаги Низом" (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Вedomостлари, 1985 йил, 31, 361-модда — Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги Фармони тахририда):

а) 8-моддасининг: "в", "г", "д", ва "е" бандлари куйидаги тахрирда баён этилсин:

б) корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда алкоғолни ёки гиёванд

моддаларни суиистеъмол қилувчи шахслар ўртасида зарур тарбиявий ишлар олиб боришни ташкил этишда қатнашадилар, бу ишга меҳнат жамоаларини, жамоат ташкилотлари ва ташаббускор жамоат идоралари вакиллари кенг жалб этиладилар; алкоғолни ёки гиёванд моддаларни суиистеъмол қилувчи шахсларни қайта тарбиялашда жамоат ташкилотларига ва меҳнат жамоаларига ёрдам берадилар, алкоғолни суиистеъмол қилувчи шахсларга жамоат таъсири ва маъмурий таъсир кўрсатиш қанчалик самарали эканлигини текшириб турадилар;

г) ичкиликбозлик ёки гиёвандлик учун илгари маъмурий жазога тортилган ёки жамоат таъсири кўрсатиш чораси қўлланилган, алкоғолни ёки гиёванд моддаларни мунтазам суиистеъмол қилиб, бир неча бор медицина хушёрхонасига тушган шахсларни аниқлаб топиш ва ҳисобга олишда ички ишлар ва соғлиқни сақлаш идоралари олиб борадиган ишларни назорат қилиб турадилар, бундай шахслар турмушда ва ишлаб чиқаришда ўзларини қандай тутаётганликлари устидан доимий жамоат назорати олиб борилишини уюштирадилар; сурункали алкоғолизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни тегишли медицина муассасаларига мажбурий

юбориш юзасидан зарур чоралар кўрадилар, шунингдек ичкиликбозлик, алкоғолизм ва гиёвандликка барҳам беришга қаратилган бошқа огоҳлантирувчи чораларни кўрадилар;

д) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг медицина хушёрхоналари ва ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш профилакторийларининг ишларини текшириб турадилар, шунингдек мазкур профилакторийларда бўлган шахсларни қайта тарбиялаш ва ахлоқни тузатиш ишларида шу профилакторийлар маъмуриятига ёрдам берадилар;

е) даволаш профилакторийсидан мажбурий даволаниб қайтган шахсларнинг хулқ-атвори устидан жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари назорат қилиб боришни ташкил этиладилар ва уларга ишга жойлашишда ёрдам кўрсатадилар;

б) 9-модданинг "ж" банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

"ж) жамоат тартибини бузаётган, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, ёхуд аҳолининг осойишталигини, соғлиги ва маънавиятини хавф остида қолдираётган сурункали алкоғолизм ва гиёвандликка мубтало бўлганларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш учун Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларига юбориш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш".

12. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган "Корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ва уларнинг структуравий бўлинмаларида тузиладиган ичкиликбозликка қарши кураш олиб борувчи комиссиялар тўғрисидаги Низом" (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Вedomостлари, 1985 йил 31, 362-модда):

а) 5-моддасининг 4-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

"4) меҳнат жамоасининг ихтисослаштирилган даволаш-олдини олиш муассасаларида мажбурий даволаниш курсини ўтган аъзолари хулқ-атворини назорат қилиб боради".

б) 6-моддасининг 5-бандидан "ихтиёрий даволанишдан бош тортиб келаётган" деган сўзларни чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1985 йил 25 майда қабул қилинган "Ичкиликбозликка ва алкоғолизмга қарши курашни кучайтириш, самонот тайерлашга барҳам бериш тадбирлари тўғрисида"ги Фармоннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Вedomостлари, 1985 йил, 16, 169-

модда) 26-моддаси куйидаги тахрирда баён этилсин:

"26-модда. Жамоат тартибини бузаётган, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, ёхуд аҳолининг осойишталигини, соғлигини ва маънавиятини хавф остида қолдираётган сурункали алкоғолизмга мубтало бўлган беморлар суднинг қарорига мувофиқ мажбурий даволаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг махсус даволаш-олдини олиш муассасаларига жўнатилиши керак.

Қайд этилган тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга жўнатиш тўғрисидаги масала суд томонидан очиқ суд мажлисида, медицина хушасоси мавжуд бўлган ҳолда ҳамда ички ишлар идоралари ўз ташаббусига кўра ёки бемор оила аъзоларининг ёхуд қариндошларининг, меҳнат жамоаларининг, соғлиқни сақлаш муассасаларининг, шунингдек ичкиликбозликка ва гиёвандликка қарши кураш бўйича туман, шаҳар, шаҳардаги туман комиссияларининг аризасига асосан тайерланадиган ва жўнатиладиган материаллар асосида ҳал этилади.

Мажбурий даволаш муддати даволаш муассасаси томонидан бемор даволанишга ётқизилган кундан бошлаб, беш кунлик муддат ичида комиссия хохиш-идорасига кўра белгиланади".

1992 йил декабрда қабул қилинган "Сурункали алкоғолизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига 2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг куйидаги қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб топилин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1973 йил 22 февралдаги "Хроник алкоғоликлар ва гиёвандлик (наркомания) касалига йўлиққанлар учун даволаш — меҳнат профилакторийлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Вedomостлари, 1973 йил, 6, 96-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1982 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш масалаларига оид баъзи қонун актларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Фармонининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Вedomостлари, 1982 йил,

"16, 278-модда) 3-моддаси ва 6-моддасидаги ийғорма бешинчи хатбоши.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг "Хроник алкоғоликлар ва наркомания касалига йўлиққанларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш тўғрисида"ги Фармонига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми 1984 йил 2 декабрда қабул қилган Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Вedomостлари, 1984 йил, 34, 474-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун актларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Фармонларни тасдиқлаш ҳақида"

1984 йилнинг 3 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Вedomостлари, 1984 йил, "34, 485-модда) Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг "Хроник алкоғоликлар ва гиёвандлик (наркомания) касалига йўлиққанларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш тўғрисида"ги Фармонига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 1984 йил 2 декабрь Фармони"та оид қисми.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1984 йил 2 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг "Хроник алкоғоликлар ва гиёвандлик (наркомания) касалига йўлиққанларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш тўғрисида"ги Фармонини қўллаш тартиби ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Вedomостлари, 1984 йил, 34, 476-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1985 йил 31 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг баъзи бир қонун актларига

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Вedomостлари, 1985 йил, 31, 360-модда).

7. "Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг баъзи қонунбузарликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг айрим кодексларига ва бошқа қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги фармонларни тасдиқлаш ҳақида" 1985 йилнинг 13 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Вedomостлари 1985 йил, "35, 414-модда) "Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1985 йил 31 октябр Фармони"та оид қисми.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1986 йил 17 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ҳамда наркомания касаллигига йўлиққанлар учун даволаш-тарбия профилакторийси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Вedomостлари, 1986 йил, 33, 387-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси

Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги фармонларни тасдиқлаш ҳақида" 1986 йилнинг 6 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Вedomостлари, 1986 йил, 34, 417-модда) Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ҳамда наркомания касаллигига йўлиққанлар учун даволаш-тарбия профилакторийси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 1986 йил 17 ноябрь Фармонига оид қисми.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1987 йил 7 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа Қонун актларига ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Вedomостлари, 1987 йил "23, 250-модда) I-бўлимнинг I-моддаси, IV ва V бўлимлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

Сурункали алкоғолизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. "Сурункали алкоғолизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини 1992 йил 25 декабрдан амалда киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Сурункали алкоғолизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни даволаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг махсус даволаш-олдини олиш муассасалари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг махсус даволаш-олдини олиш муассасасини ташкил этиш ва у иш бошлаши учун майдон ва хоналар ажратиш масаласини шунингдек уни моддий-техникавий жиҳатдан ва маблағ билан таъминлаш масалаларини қараб чиқсин ва ҳал этсин:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини "Сурункали алкоғолизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ ҳолга келтирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

сурункали алкоғолизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни даволовчи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тармоғининг махсус даволаш-олдини олиш муассасалари қўриқланишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий

Кенгашининг Раиси

Ш. Йўлдошев.

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 9 декабрь.

Жаҳон адабиёти хазинасидан

(Давоми. Боши газетанинг ўтган йили 112 — 113 сонларида chop этилган).

Улар Вероника Дэйлни қамоқхонанинг қабулхонасида учратишди. У ҳибсга олинган вақтда ёнидан чиққан нарсалари қайтариб берилганлиги ҳақидаги хужжатга имзо чекаётган экан. Қиз қороздан бош кўтариб, Мейсонга кулиб қўйди, офицерга кўзи тушгач, у билан ҳам истамайгина саломлашгандай бўлди.

— Салом, — деди Бенд. — Ишлар қалай?

— Яхши.

— Мистер Мейсон сизни Рокевэй меҳмонхонасида тўхтаган, деди. Шу гап тўғрими?

— У ердан хона олганман.

— Буни кеча менга нимага айтмадингиз?

— Чунки бу сизнинг ишингиз эмас. Менга қилган муомаланингиз ёқмаганди.

— Нима ҳам дердик, норозилик билдириш учун анча ноқулай йўл танлабсиз. Ўзингизга ўзингиз бир олам ташвиш орттирдигиз.

— Одатим шунақа-тўғриси-эман. Мен одамларни севиб, ҳурматлашга ҳаракат қиламан. Лекин сиз бундай кишилар сирасига кирмайсиз. Чунки аёлларни ҳурмат қилмас экансиз.

Бенд гап тополмай қолди. Сухбатга Мейсон аралашди.

— Кетдик, Вероника. Ҳозир мистер Бенд билан бир жойга борамиз. У билан ади-бади айтиб ўтиришингизни маслаҳат бермаيمان. Нима бўлса ҳам, у ўз хизмат вазифасини бажарган.

— Унинг хизмати менга ёқмаяпти.

— Вазифам ўзимга ҳам ёқмайди, — кулимсиради Бенд ва кутилмаганда қўшимча қилди: — Аёл кишини ҳурмат қилиш... Агар мен кўрган нарсаларни кўрганингизда эди, синглим.

— Кетдик, — деди яна Мейсон. — Машина кутиб турибди. Биз билан меҳмонхонага борасиз.

— Нега?

— Меҳмонхонада рўйхатдан ўтганингиз ва у ердан хона ижарага олганингизга мистер Бенд ишонч ҳосил қилиши керак.

— Улар қамоқхонадан чиқишди.

— Ухлай олдингми? — сўради қиздан Бенд.

— Албатта.

— Ҳаммаси жойидами?

— Ҳа.

— Шахсан менга хусуматинг йўқми?

— Сиз менга ёқмайсиз. Бор гап шу.

Бенд қизиқсираб унга қаради.

— Сени ҳеч тушуна оймайман. Ёшинг нечада?

— Ўн саккизда.

— Буни қара-я.

Вероника индамади.

— Ҳўп майли, Бенд, кетдик, — шонилди Мейсон.

Гарри Бенд меҳмонхона ёнига келиб машинасини тўхтатди. Ундан биринчи бўлиб чиқди ва меҳмонхонага ҳам биринчи бўлиб кирди. Мейсон мижозига ҳеч қандай ҳурмат кўрсатмай, дарҳол Бенднинг орқасидан юрди. Вероника Дэйл уларнинг орқасидан келарди.

Бенд пештахта ёнига борди.

— Вероника Дэйл сизлардан рўйхатга ўтказилганими?

Хизматчи унга қўрқа-писа қаради.

— Нима гап бўлди?

— Вероника Дэйл сизлардан рўйхатга ўтказилганими?

Хизматчи дафтардаги ёзувларга қараб жавоб қилди.

— Ҳа.

— Нечанчи хона?

— 309.

Бенд орқасида турган Вероникани бармоғи билан кўрсатди.

— Бу ўшамми?

— Билмайман, — жавоб қилди хизматчи. — Мен эрталаб соат еттидан бери навбатчилик қилайман, хона эса кеча кечқурун соат 6 дан кейин берилган. Бу пайтда мен йўқ эдим.

— Демак, бу хонани у олган-олмаганини билмайсиз?

— Йўқ.

Бенд рўйхатга олинадиган бланкалардан бирини олиб, қизга

шунчалик кўпми, истаган вақтда бўш жой топилаверадими? — сўради Бенд.

— Бу бошқарувчининг буйруғи. Биз доим бир иккита хонани бўш қолдирамиз. Мисс Дэйлга берилгани ҳам улардан бири эди. Расман бизда бўш хоналар йўқ.

Бенд Вероникага қаради.

— Сиз Путнемни танийсизми?

Вероника бош чайқади.

Ниҳоят, Бенд хизматчидан хонанинг калитини сўради.

Хизматчи унга 309 хонани калитини узатди.

Эрл Стенли ГАРДНЕР

Бокира

дайди



узатди.

— Исмү шарифингизни ёзинг. Қиз аёлларга хос аниқ даскат билан: “Вероника Дэйл” деб ёзди.

Бенд ҳозиргина тўлғазилган бланкани хизматчига узатди.

— Мана буни рўйхатга олинадиган карточка билан солиштириб кўринг-чи.

Хизматчи қорозларни титкилаб, кеча тўлғазилган бланкани узатди. Улар учовлон икки қорозни солиштириб кўришди. Ҳаммаси ўхшашпти, — якун ясади Мейсон.

— Менга қара, огайни, — хизматчига мурожаат қилди Бенд, қилдан қийиқ ахтариб, — бу ерда унинг доимий турар жойи кўрсатилмаган, фақат: “Йўл-йўлақай” деб ёзиб қўйилган, бу қанақаси бўлди? Одамларни мана шундай йўсинда рўйхатга олиб, хоналарни ижарага бераверасизларми?

— Бир дақиқа сабр қилинг, — деди хизматчи, — бу ерда қалам билан нимадир ёзиб қўйилган. — У аввал рўйхатдан ўтказиладиган бланкага сўнгга алоҳида буйруқлар дафтарчасига қараб қўйди-да, сўнгга гапида давом этди: — Афтидан, хона меҳмонхона бошқарувчиси мистер Путнем томонидан буюрилганга ўхшайди. У қўнғироқ қилиб хонани Вероника Дэйл учун рўйхатдан ўтказишга буйруқ берган. Агар унинг юки бўлмаса ҳам ҳечқиси йўқ, хона барибир унга берилиши лозимлигини айтган.

— Бу буйруқ қачон берилган? — сўради Бенд.

— Тахминан 9.30 ларда, мисс Дэйл келмасидан 15 дақиқача олдин.

— Сизларда бўш хоналар

Вероника лифт томонга уни гўё оиласининг эски қадрдонлари кузатиб бораётгандек юра бошлади. Бенд лифтчига хона жойлашган қаватни айтди.

— Қайси томонга? — сўради Бенд лифтдан чиққач, Вероникадан.

— Чапга, — деб жавоб берди у ҳеч иккиланмай.

У йўлакнинг энг охирида жойлашган 309 хонанинг олдида келиб тўхтади. Бенд эшикни очди.

Хона топ-тоза, каравотдаги тўшакка қўл урилмаган эди. Унчалик катта бўлмаган сумка югурдак бола қандай ташлаб кетган бўлса ўша жойда турибди.

Бенд бамайлихотир уни очиб, ичига қаради. Унда аёлларнинг одатдаги лаш-лушлари бор эди, холос.

— Бу сизнинг нарсаларингизми?

— Ҳа.

— Ҳайдовчилик гувоҳномангиз борми?

— Йўқ, мен машина ҳайдашни билмайман.

— Шахсий гувоҳномангиз-чи?

— Йўқ.

— Қандайдир гувоҳномангиз борми?

— Йўқ. Фақат тўлдирилган бланкалар бор.

— Нима қилмоқчисиз? — жаҳл билан Бендни тўхтатди Мейсон.

— Уни яна ҳибсга олмоқчимисиз?

— Шундай қилишим-ҳам мумкин, — жавоб берди Бенд, — бу воқеанинг нимасидир менга ёқмаяпти.

— Нималигини ҳеч мен тушуна олмаёйман, — баттар жаҳл қилиб гапирди Мейсон, — ёшгина бир аёл меҳмонхонадан ижарага хона олган. Мана унинг

нарсалари. Уларни шу ерда қолдириб, тамадди қилгани кўчага чиққан. Емак бериладиган жой қидириб юрганда сиз уни эркакларга тегажоглик қилаёпти, деб машинангизга ўтказгансиз. Шундан сўнг у сизга нисбатан дўстона муносабатда бўла олмаслиги табиий бир ҳол.

— Бу гапларингизни суд учун олиб қўйинг, — унинг гапини бўлди Бенд.

— Уни озод қилиш ҳақидаги қорозга имзо чекасизми?

— Сиз мени ноқонуний ҳибсга олишда айбламоқчимисиз?

— Мен айбламоқчи эмасман. Эҳтимол Вероника сизни судга бермоқчидир?

— Мутлақо ундай эмас, — гап қотди Вероника. — Бу воқеа менинг учун шунчаки принципиал гап эди.

Бенд бир оз ўйлиниб тургач, рози бўлди.

— Мен қорозга қўл қўйиб бераман.

— Мана бу бошқа гап, — дейди Мейсон. — Гапингизга ишонаман. Ўйлайманки, энди бу ҳақда ташвишланмаса ҳам бўлар. Айбаш олиб ташлангандан сўнг, гаров тариқасида берилган 200 доллар менга почта орқали қайтарилади, деб ҳисоблайман.

Бенд бир икки дақиқа Мейсонга синовчан назар ташлаб турди. Сўнгга:

— Бу иш учун кимдир сизга 500 доллар тўласа керак деб ўйлайман, — деб қўйди.

Мейсон жилмайди-ю, лекин ҳеч нима демади.

Бенд тўнғиллаганича йўлакка чиқиб кетди.

Қиз ўзининг очиқ ётган сумкаси ёнига келиб, уни беркитар экан, шикоят қилди.

— Бу полиция ҳеч қандай шахсий ҳаётга йўл қўймайди. Эшикни ёпишни истамайсизми?

— Йўқ мен ёпа олмайман, — деди Мейсон, — эшикни ёпишимнинг сизга ҳам кераги йўқ. Бундан кейин ҳар бир қадамнингизни ўйлаб босишингиз даркор. Хонангизда эркак киши бўлганда эшик доим очиқ туриши лозим.

— Нега?

— Бу меҳмонхонада қонда шундай.

— Ҳаммасини жин урсин.

— Бу яна қанақа гап?

— Оғзимдан чиқиб кетди.

— Нонушта қилдингизми?

— Бир пиёла кофе билан озгина пюре егандим. Пюрени ёқтирмайман. Бир ёки икки қошигини зўрға едим.

— Пулингиз борми?

— Озгина бор.

— Қанча?

— Бир доллару йигирма центча бўлса керак.

— Сиз бир одамни биласизми, исми...

— Қандай одамни? — Лекин Мейсон ўзига келиб, гапини бўлиб қўйган эди.

— Бунинг аҳамияти йўқ. — Мейсон ҳамёнини очиб иккита йигирма ва битта ўн долларлик олди-да, қизга узатди.

— Бунинг нима кераги бор?

— Ҳижолат тортманг, — деди Мейсон, — ҳамма ҳаражатларимни тўлашади.

— Бу пуллар менгами?

— Ҳа.

Қизнинг ўзини шунчалик бемалол тутиши ҳайрон қоларлик даражада эди. У Мейсоннинг олдида келиб, қўлларини унинг елкаларига қўйганди. Кейин ифбат тўла катта-катта кўзларини унга тикканича бироз жим қолди. Унинг жозибали лаблари титраб турарди.

— Нега энди? Бунчалик ташвиш чекишининг нима кераги бор? — титроқ овозда сўради у.

— Ўзим ҳам буни билишни истардим, — деб Мейсон унинг қўлларини елкасидан оҳиста олди.

Мейсон меҳмонхонанинг пешайвонида турган телефон хонасига кирди-да, Бродве катта универмакка қўнғироқ қилиб Жон Райсер Эддисонни сўради.

— Сизни мистер Эддисоннинг хоналари билан улайман, — деди аллақандай аёл.

— Мистер Эддисоннинг қабулхоналари, — деди бошқа аёл овози.

— Ҳимоячи Перри Мейсон гапиряпти. Мен мистер Эддисон билан гаплашишим керак.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, учинчи аёл овози эшитилди.

— Нима ишингиз бор эди?

— Мен мистер Эддисон билан гаплашиб олишим зарур. Исмин Перри Мейсон.

— Мистер Мейсон?

— Ҳа.

— Мистер Перри Мейсон?

— Ҳа.

— Бу сизмисиз?

— Ҳа, бу менман.

— Бир дақиқа кутиб туринг, сизни мистер Эддисон билан улайман.

Бир неча сониядан сўнг Эддисонни овози эшитилди.

— Алло. Мейсон. Қаёқдан телефон қилаёписиз?

— “РОКЕВЭЙ” меҳмонхонасидан. Телефон хизматига доир эътирозларингиз ўзингизга ҳам тегишли бўлса керак деб ўйлайман.

— Яхши, яхши. Қиз қани? Унга нима бўлди?

— 309 хонада.

— Ҳа, Ҳа, биламан.

— У гаров пули эвазига қўйиб юборилган деб ҳисобланади. Аммо уни ҳибсга олган офицер қизга қўйилган айб бекор қилинади, деб мени ишонтирди. Шу билан иш тугади. Яна бирор нарс керакми?

— Йўқ, йўқ. Ишни аёло даражада бажарибсиз, Мейсон. Жуда аёло даражада. Менга хизмат ҳаққингиз тўғрисида ҳисоб жўнатинг. Сизга ишониш мумкинлигини билардим.

— Юзага келган вазиятни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳисоб ҳаққим бир оз кўпроқ туюлиши мумкин.

— Ҳеч қиси йўқ, ҳисоб чекини менга жўнатаверинг. Мен тўлайман. Уни озод қилганингиздан жуда ҳам хурсандман.

— Қизиққангиздан бир савол бермоқчи эдим. Вероника Дэйлни анчадан бери танийсизми?

— Мен у билан амалда таниш эмасман. Уни фақат бир марта кўрганман, холос. Бу ишда менинг исмү шарифим айтилишини истамайман. Мен сиздан сизни ким ёллаганини унга айтмасликни сўраган эдим.

— Мен айтмадим ҳам. Сизнинг исмингиз тилга олингани йўқ.

— Жуда зўр, зўр. Қайта айтман: жуда зўр, Мейсон. Менга ҳисоб-китоб қорозингизни юборишингиз мумкин.

— Ҳўп юбораман. Лекин бир-икки нарс ҳақида ўйлаб кўришингизни маслаҳат берар эдим. Бу қиз ё ўта довдир ёки ўзи ҳибсга олишларини истаган.

— Бу билан нима демоқчисиз, Мейсон?

— Мен ўзим ҳам ҳайронман, лекин у ҳибсга олишларини жуда истаганлигини таъкидлаб ўтмоқчи эдим.

— Бўлмагур гапларни гапирманг, — ўшқирди Эддисон. — у довдир эмас, шунчаки ўта содда қиз.

— Балки сиз ўзингиз, соддадирсиз, — деди-да, Мейсон трубкани илиб қўйди.

— (Давоми бор).

ИНТИЗОМ ПАСТ БЎЛСА, ҲАЙДОВЧИ МАСТ БЎЛАДИ

Йўлларимизда транспорт катнови тобора кўпайиб бормоқда. Шаҳарлардаги деҳқончиликларимизда ҳам турли хил, айниқса шахсий уловлар сонининг ортиб бораётганлиги хавфсизлик чораларини янада оширишни тақозо этмоқда.

Шу боис туман ички ишлар бўлими давлат автомобил нозирати содир этилган йўл-улов ҳодисаларини таҳлил қилиб, уларнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирларни кучайтирди.

Бу борада туман ҳокимлигининг бевосита ёрдамида нақлиёт, давлат ва жамоат хўжаликлари фаоллари билан бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин бўлган хавфли жойларда ҳаракат қилмасини кўпол равишда бузувчиларни аниқлаш мақсадида бир қатор рейдлар ўтказилди.

Бундан ташқари давлат ва шахсий улов ҳайдовчилари ўртасида йўл-ҳаракати хавфсизлиги мавзусида кенг тушунтириш ишлари ва суҳбатлар олиб борилди.

Шу тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай ўтган йилнинг II ойи ичида 20 мингдан ортиқ қоидабузар аниқланди.

1992 йилнинг II ойи мобайнида 1991 йилнинг шу давридагига нисбатан бахтсиз ҳодисаларни 12 тага, тан жароҳати олган кишилар сонини 15тагача қисқартиришга эришилди. Болалар иштирок этган ҳодисалар 11тага, ҳалок бўлганлар

3 тага, тан жароҳати олган болалар сони 5тагача камайди.

Бизга кўп дуч келаётган муаммоларнинг бири шундаки, шахсий улов эгалари қонун-қонидани кўпам менсийверилмайдилар. Улар йўлга чиқди дегунча ўзларини хон, кўланкаларини майдон ҳис қилишади. Интизомсизлиги ортиб бориши натижасида улар томонидан содир этилган йўл-улов ҳодисалари кўпайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қайси ташкилот ёки хўжаликда интизом паст бўлса ўша ерда ҳайдовчиларнинг қоида бузишлари кўп содир бўлар экан. Айниқса спиртли ичимлик-

лар ичиб рулга ўтириш ҳоллари кўпаяр экан. Бу гап шахсий улов ҳайдовчиларига ҳам тааллуқли. Жумладан, ўтган йилда олти шахс маск ҳолда йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, воқеа жойидан яширинганда оператив йўл билан топилиб, ишлари терговга оширилди.

Киш-қор, ёмғир, туман, яхмалак мавсумидан хавф хатарсиз ўтиб олиш автомобиль, тракторларнинг техник ҳолатини қайта кўриб чиқишни, пухта тайёргарликни талаб этади. Бу ишлар баҳоли қудрат амалга оширилди ва оширилмоқда.

Б. ТЎХТАБОВЕВ,
Тўрақўрғон тумани ИИБ ДАН
бўлимчиси йўл-патруль хизмати
катта назоратчиси,
милиция капитани.

**Сурагларда: навбатдаги
рейд пайтида; Тўрақўрғондан
ўтувчи Тошкент-Наманган
йўли.**



Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган сураглар.

“ҚЎҚОН ВОҚЕАСИ”

Қўҳна Қўқон шаҳри ўзининг буюк кишилари шоиру ёзувчилари билан азалдан маълум ва машҳур.

Лекин гуруҳнинг ичида оласи учраганидек, қўҳна ва навқирон Қўқон шаҳрида ўсиб келаётган айрим шахслар қўқонликлар шаънига доғ тушириб қўймоқдалар.

Бу нопок шахслар ҳозирги вақтдан ўз манфаатлари йўлида вазиятдан фойдаланиб қолишни ўйлаб, ҳар қандай қабихликдан қайтмаяптилар. Нотавон одам ўзига оқ кўнгил, виждонли кишини ҳеч қачон яқин олмайди, дўст ҳам тутмайди. Унинг қабих иши учун ўзидек ишқмас, виждонсиз ва асосийси ҳар қандай қабихликдан қайтмайдиган шерик бўлмоғи лозим.

ЎЗБЕКИСТОН 40 йиллиги кўчасида яшовчи, 1964 йилда туғилган ҳеч ерда ишламайдиган Ойбек, Янги бодом кўчасида яшовчи 1962 йилда туғилган, ишламайдиган Бурҳонлар ўзаро тил бириктиришиб, “Большевик” заводи қошидаги “Сюрприз” ширкатининг цех бошлиғи Мирзамаҳмудни пул ёки 10 тонна спирт берасан, деб қўрқитишди. Улар қўрқитиш вақтида тўппончага ўхшаш қуролдан фойдаланишди. Натижада, жон ширин эмасми, Мирзамаҳмуд ҳам қўрққанидан 5 тонна спиртни талончиларга бериб юборди. Сўнг Қўқон шаҳар ИИБга хабар қилди.

Қўрилган чора тадбирлар натижасида улар қўлга олинди. Спиртни ҳазм қилишга имкон топа олмаган йигитлар энди панжара ортидаги ҳаётни татиб кўришга, озодликнинг қадрига етишса ажаб эмас.

ҚЎҚОН шаҳрига ҳозирги вақтда бозор қилиш учун нафақат водий аҳолиси балки қўшни вилоятлардан, ҳаттоки бошқа республикалардан ҳам кўплаб фуқаролар келиб туради. Улар бу “жаҳон” бозоридан рўзгорга керакли кўплаб нарсаларни харид қиладилар.

Яқинда шаҳарга Қозғистон Республикаси Чимкент вилоятидан ташир буюрган меҳмонлар купча-кундузи таландилар.

Полторацкий кўчасида яшовчи Камолнинг

уйига жойлашган меҳмонларни болалар боғчасида қоровул бўлиб ишловчи Алишер шахси аниқланмаган уч нафар шериги билан қақшатиб кетди. Қаршилиқ кўрсатган уй соҳибини ҳам калтаклаб меҳмонларнинг жами 68 мингдан зиёд пулларини шилишди.

Азиз, муштарийлар бу эгри ишнинг охири нима бўлди деб ўйларсизлар? Жиноятни содир этган муштумзўрлар бошлиғи Алишернинг устидан кетаётган тергов ишлари тез кунда туғаб, жазо олиши муқаррар.

ҲОЗИРГИ ғала-ғовур замонда нималар бўлаётганига ақл бовар қилмайди. Негаки, диёнатни унутган кимсалар шундай қийин шароитда ўз жигилдонини ўйлаб, жирканч ишлардан қайтмаяптилар. Нафс йўлида тинч яшаётган оилаларни ғамга чўктириб қўймоқдалар. Бу жигилдон куллари ўғрилиқ қилиб, кимнингдир мисқоллаб ортиргани эвазига олган буюмларини олиб кетмоқдалар. Сўнг шунча пул берсанг оласан, акс ҳолда ҳеч нарсаси йўқ, деб шарт ҳам қўйишмоқда.

Лекин халқда бузоқнинг югургани сомонхонагача деган нақл юради. У бежиз айтилмаган.

Шу йилнинг октябрь ойида номаълум шахслар Қўқон шаҳар И. Ортиқов кўчасида яшовчи Георгий Саркисяннинг “ВАЗ-2106” белгили машинасини ўғирлаб кетишиб, эвазига катта миқдорда пул сўрашди.

Октябрь ойининг сўнги кунлари. Соат 22 ларда номаълум шахслар шаҳарнинг Свердлов кўчасида яшовчи И. Ҳақимовнинг “ВАЗ-21063” белгили машинасини ўғирлаб, эвазига 120 минг сўм пул талаб қилдилар. Пулни олгандан сўнг машинани қайтариб бердилар.

Бу икки ишни қайси номаъқул қилган экан, деб ўйларсиз? У ишламайдиган, ўзгалар эвазига кун кўриб, озор етказиб юрувчи қўқонлик Бурҳон исмли шахс.

Эҳтимол Бурҳоннинг панжара ортида кўзи очилар.

С. ҚОДИРОВ,
Фарғона вилояти ИИБ матбуот гуруҳи ходими, милиция лейтенанти.

Муштарий эътиборига

Яқинда вилоят ички ишлар бошқармасида илгари бирга ишлаган, анчадан буён кўришмай кетган терговчи укамизни учратиб қолдим.

Салом аликдан сўнг сездимки, унинг юзларида қандайдир ҳорғинлик аломатлари бор.

— Тинчликми, Эминжон?
— Э, мана кўрмайсизми, — у қўлидаги “иш”га ишора қилди, — кеча тасдиқлаб беришди. Худди елкамдан тоғ

Манзилга келишгач, йигитлар киракашга қидириб келган одамлари бу ерда йўқлигини айтишиб, “Дўстлик” жамоа хўжалигининг Тасжарган қишлоғига ҳайдашни буюришди. Бу қишлоққа келишгач, Улуғбек тоғаси Едил Абдуллаев уйига кириб, келишилган уловни олиб келганлигини айтади. Едилнинг жаҳли чиқиб, Улуғбекка уловни эгаси билан

БОШ АЙБДОР КИМ?

ағдарилгандай бўлди. Бундай жиноят ва жиноятчиларни ҳали учратмаган эдим.

Минг афсуски, жиноят содир этилди ва у уч нафар ҳали она сути орзидан кетмаган, ҳаётни мазмунини тушуниб етмаган ёшнинг ҳаётини бошқа изга буриб юборди.

Уларнинг у “жой”дан одам бўлиб қайтишига ким кафолат бера олади?

Терговчининг куйиниб айтаётган бу гаплари мени ўша ишга бўлган қизиқишимни янада орттириб юборди.

Воқеа мана бундай бўлган экан.

...Янгийўл шаҳрининг бозори доимо одамлар билан гавжум. Бозор олдидаги махсус автомашиналар тўхтайдиган жойда эса давлат таксиларидан ташқари хусусий киракашларни ҳам учратиш мумкин. Улар узоғингизни яқин қилишга доимо тайёр, фақат келишсангиз бас. Мана шундай киракашлардан бири — оқ рангли “Жигули” эгаси, қорамғиздан келган киши уч нафар ёш йигитлар билан гаплашиб турибди. Йигитларнинг ҳаракатидан шуни билиш мумкинки, уларнинг ишлари жуда шошилиш, кўзлари ҳам олазarak, қандай бўлмасин киракашни кўндиришса-ю, бу ердан тезроқ жўнаб кетишса. Ниҳоят улар келишдилар шекилли, ҳаммалари машинага ўтиришиб қаёққадир раво-на бўлишди.

...Едил кўпдан бери машина ишқибози. У кўча-куйда гизиллаб юрган енгил машиналарни кўрганда юраги қандайдир ғалати урадиган бўлиб қолди. Ҳозир автоуловни ҳам, эҳтиёт қисмларини ҳам олиш осон эмаслигини билсада, унинг безовта кўнгли ҳеч тинчимасди.

У бу сафар бошқача йўл тутишга қарор қилди ва жиноят йўлини танлади. Ўз ниятини амалга ошириш мақсадида жияни Улуғбекни чақирди-да, киракашлик қилиб юрган “Жигули”си бор кишилардан биронтасини алдаб, уловини олиб келишни айтди. Бунинг эвазига пул беражагини секин шипшитиб ҳам қўйди.

Тоғадан “топшириқ” олган жиян ниятини амалга ошириш учун кўп ўйлаб ўтирмади. У ўзининг танишлари Уктам ва ҳали вояга етмаган Музаффарлар билан тезда келишга қолди ва уччовлон шаҳар бозори олдидаги бекарга “овга” чиқишди.

Бу йигитлар тузоғига киракаш Ёрбек Худойбердиев илинди. Ёрбек уларни Саид ота қишлоғига яқин бўлган “Ветеран-2” дала ҳовлисига 80 сўм пул эвазига олиб бориб қўядиган бўлди.

эмас, ўзини олиб келгин деганини ва энди эгасини йўқотишни айтиб, жиянини жиноят қилишга ундади.

Тоғани гапини гап, сўзини сўз билган жиян улов эгасини йўқ қилишни кўзлаб, киракашга яна дала ҳовли томон ҳайдашни буюради. Қулай жойга келишгач, Уктам қоровуллик родини бажарди, Улуғбек билан Музаффарлар эса Ёрбек Худойбердиевнинг орқасидан баданига пичоқ ура бошладилар. Ёрбек машинадан тушиб, бир амаллаб қочишга уринди, аммо унга етиб олишиб, баданининг 16 жойига пичоқ санчидилар ва “ўлди” деб ўйлаб йўл ёнидаги ариқдаги қамишлар орасига улоқтириб юборишди.

“Жигули”ни эгаллаган бу жиноятчилар тўғри олдиндан келишиб қўйилган жой — “Дўстлик” жамоа хўжалиги худудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси бўйига келишди ва у ерда уловни қолдиришиб, ўзлари гоийб бўлишди. Улуғбек Раймов эса ишни уддалаганлиги ҳақида хабар бергани тоғасиникига йўл олди. Содиқ бўлган воқеа ва улов турган жойни айтгач, Едил Абдуллаев жиянига 13 минг сўм пул бериб юборди.

Қамишлар ичида ҳўшсиз қолган жабрланувчи Ёрбек Худойбердиев Оллонинг бир каромати, қолаверса ҳаётимизда савобталаб кишилар кўплиги ва ажойиб шифокорларимизнинг ўз вақтида кўрсатган ёрдамлари туфайли тирик қолди.

Жабрланувчини умуман нотаниш бўлган одамлар қамишзор ичидан топиб олишди ва ўз вақтида касалхонага олиб келишди. Хуллас, оғир тан жароҳати олган Ёрбекнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Биз бу воқеага ҳуқуқшунос эмас, балки оддий ҳаёт кузатувчиси нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак воқеанинг айбдори, асл сабабчилари ким? Умуман шу жиноятнинг содир этилишида бosh айбдор деб кимни аташ мумкин? Ўз жиянини жиноят йўлига бошлаган Едил Абдуллаевини? Ё тоғасининг гапига лаққа тушиб бошқаларни ҳам жиноят қилишга ундаган Улуғбекни? Эҳтимол жабрланувчи, киракаш Ёрбек Худойбердиевнинг ўзи гуноҳқордир? Балки бу ерда айб оила, ота-онага бориб тақалар. Балки жамоатчилик, маҳалла-қўй, қўни-қўшнинг ҳам айби бодир? Нима бўлганда ҳам содир этилган жиноятнинг асосий айбдори ҳақида фикр юритишни Сизнинг ҳукмингизга ҳавола қиламиз.

Х.ОЛЛОНазаров,
Тошкент вилояти ИИБнинг
матбуот гуруҳи раҳбари.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТАБРИКЛАЙМИЗ



1966 йилда Болтиқ флотида ўз йигитлик бурчини ўтагандан сўнг, Михаил Татарников ер қимирлашидан вайрона бўлган Тошкент шаҳрини қайта қуриш ишга бел боғлаб, Ўзбекистонга келди. Фишт терувчиликдан ишбошловчиликкача бўлган йўлни босиб ўтди.

Билим олишга бўлган чанқоқлик Михаил Дмитриевични тинч қўймас эди. Шу боисдан у 1970 йилда Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультетининг сиртқи бўлимига ҳужжатларини топширди. Уша вақтда "Фрунзевец" газетасига фотомухбир бўлиб ишга кирди.

1971 йилда уни Тошкент шаҳар ИИБда янги ташкил этилган матбуот гуруҳига назоратчи лавозимига ишга таклиф этишади. 1972 йилдан бошлаб эса М. Татарников Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати тарғибот ва ташвиқот бўлимининг назоратчиси бўлиб ишлайди.

Ўшандан бери у йўл ҳаракати хавфсизлигига оид мақолалар билан газета, радио ва телевидениеда мунтазам қатнашиб келмоқда.

1978 йилда Михаил Дмитриевични Ўзбекистон республикаси ИИБ ДАН бошқармаси тарғибот ва ташвиқот бўлимига катта назоратчи вазифасига таклиф қилишади. Ҳозирги кунда ҳам у шу ерда бор билим ва маҳоратини ишга солиб фаолият кўрсатмоқда.

Михаил Дмитриевич Татарников ўзининг эллик йиллик тўйини катта ижодий режалар билан қаршиламоқда. Унинг Ўзбекистон Давлат автомобиль назоратининг тарихига оид китоби битиш арафасида.

Ўзбекистон республикаси ИИБ жамоаси милиция подполковниги Михаил Дмитриевич Татарниковни эллик йиллик тўйи билан муборакбод этади ва унга узоқ умр, бахт-саодат ва ижодий ишларида улкан зафарлар тилайди.

КУЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ

—Ўғлим шунақаям ишончсиз, субутсизки, нима қилишимни билмайман, — арз қилди ота дўстига.

—Унда уни об-ҳаво бюросига ишга жойлаштир, — маслаҳат берди оғайнис.

—Бу нима? Кимёвий лабораториями?

—Йўқ, бу рафиқамнинг пардоз столи.

—Кулоқ сол. Сэм. Мен бевага уйлангандим, унинг қизи бор эди. Кейин менинг бева отам бизнинг қизимизга уйланди. Демак, менинг отам ўзимга қуёв бўлди.

—Хўш, нима бўпти?

—Бу ҳали ҳаммасимас. Менинг ўтай қизим, ўтай онамга айланди, шундайми? Унинг онаси энди менга буви бўлади, тўғрими? Демак мен ўзим ўзимга бува эканман-да?

—...!?

Ўғил онаси билан оилавий альбомдаги суратларни кўздан кечиаркан, ҳарбий кийимдаги еш, ёқимтой йигитнинг расмини кўриб сўради.

—Ойи, бу чиройли аскар ким?

—Ким деганинг нимаси. Ахир бу сенинг отанг-ку.

—Унда биз билан яшаётган семиз, кал амаки ким бўлади?

—Сиз ўта эҳтиёткорлик билан юришингиз керак, — деди автомашинасида бировни туртиб юборган аёл. — Мен жуда эҳтиёткор ҳайдовчиман. Мана, етти йилдан буён машина бошқараман.

—Хоним, менга ҳеч қандай даъвонгиз бўлиши мумкин эмас, мен қирқ беш йилдан буён пиёда юрман.

Ўрисчадан таржима.

МУСАҲҲИХ АДАШДИ

Кадрлар ўлими (бўлими).

Хатнинг савобини кутаман (жавобини).

План ўлди (тўлди).

Керакли бошнинг оғирлиги йўқ (тошнинг).

Пул қопиб олди (топиб).

Пахта энг катта войлик (бойлик).

Кўлда "Жигули" кетаяпти (йўлда).

Тўйда тоғора чалишди (ноғора).

Тўшловчи Й. НАСРИДДИНОВ.



НАФАҚАДОРНИ ҲАМ АЯШМАЯПТИ

Сўнгги пайтларда халқ истеъмол моллари, айниқса озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллигидан моҳирлик билан фойдаланаётган айрим савдо ходимлари уларни яшириб ва ошириб сотишда, ҳатто нафақадорларни ҳам аяшмаяпти.

Яқинда Денов туманидаги "Ғалаба" жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган дўконга пахта ёғи келган экан, пул бериб ўғлимни жўнатган эдим, сотувчи ҳар килоси давлат баҳосида 20 сўм турадиган 8 кило ёғ учун устига 2 сўмдан қўйиб, 176 сўм, яна буёғи ўз шахсий ҳисобидан деб 4 кило ёғ учун 160 сўм пул олиб қолибди.

Шундай қилиб мудир тушмагур биздан нақд 96 сўмни шилибди.

Ажаб, бунга дўконга келган маҳсулотни давлат баҳосидан ошириб сотишга ким, савдо ташкилотининг қайси раҳбари рухсат этган экан? Ёки унинг ёғ ишлаб чиқарадиган заводи бормикан?

—Нега ёғни оширилган баҳода сотиб, биздан 96 сўм уриб қолдингиз? — сўрадим мудирдан.


—Одам кўп эди, бироз адашибман.

—Нега ўз зарарингизга эмас, фойдангизга адашасиз? — сўрадим яна ундан.

Бу саволим жавобсиз қолди. Мана инсофсизнинг башараси. Эндиликда улар нафақадорларни ҳам аяб ўтирмай, ҳаққидан, кўзларини лўқ қилганларича, уриб қолишяпти.

Бунисига нима деса бўлади? Мамааражаб ҲАЙДАРОВ.

БОШҚОТИРМА



1. Красноярск ўлкасининг жанубидаги дарё. 2. Оренбург областидаги шаҳар. 3. Марказий Африкадаги давлат. 4. Миллдан аввал III асрга оид шаҳар, Парфия подшосининг қароргоҳи. 5. АҚШдаги дарё. Миссисипининг чап ирмоғи. 6. Ҳиндистондаги штат. 7. Шимолий Италиядаги шаҳар. 8. Ғарбий Сибирь шимоли-

даги ярим орол. 9. Нигерия пойтахти. 10. Тюмень вилоятидаги шаҳар. 11. Тинч океанининг жанубий-ғарбий қисмидаги давлат. 12. Жанубий Америкадаги дарё. 13. Ўрта аср Шарқида, жумладан Ўрта Осиёда ҳукмдорлар қароргоҳи. 14. Шарқий Осиёдаги давлат. 15. Жанубий Ғарбий Осиёдаги давлат. 16. Франциядаги шаҳар. 17. Чапаевск шаҳрининг 1929 йилгача бўлган номи. 18. АҚШнинг тинч океан соҳилидаги штат. 19. Қозоғистондаги дарё. 20. Айрим товарларни сотиш усули. 21. Япониядаги шаҳар ва порт. 22. Италия ахборот агентлиги. 23. Собик СССР халқ рассоми, ҳайкалтарош, Социалистик меҳнат қаҳрамони. 24. Санъат тури. 25. Жазoirнинг шимолий шарқидаги шаҳар ва порт. 26. Корсика оролидаги шаҳар ва порт. Франция ҳудудида. 27. Кўзгунинг жонли тилдаги номи. 28. Келгусида тўланадиган ҳақ ҳисобидан бериладиган пул. 29. Қадимдан Ўрта Осиёда яшаб келган ўтроқ аҳоли. 30. Қозоғистон ва россиядаги дарё. 31. Болгария пул бирлиги. 32. Горький областидаги шаҳар. 33. Перуддаги шаҳар. 34. Дурадгорлик асбоби. 35. (1776-1856) Италия физиги ва кимёгари. 36. АҚШ ва Канададаги кўл. 37. Улуг зот. 38. Бирор тарихий ёки тўқима воқеа ҳодисани хаёлий акс эттирадиган бадий асар.

Тузувчи НАСРИДДИН ЙЎЛДОШЕВ, милиция подполковниги.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент вилояти ИИБ ва қариндошлари томонидан бедарак йўқолган Шохмурод Муродович Аббосов қидирилмоқда. У 1992 йил 12 ноябрь кунни давлат белгиси 57-16 ТШП "КамАЗ" — 53121 автомашинасида Олмалиқ шаҳридаги 3-автобазадан чиқиб кетганича қайтиб келгани йўқ.

У 1930 йилда туғилган, ҳаворанг пиджак, қизил рангли каттак кўйлак ва қора шапкада бўлган.

Тошкент вилояти ИИБ томонидан давлат белгиси 57-16 ТШП, двигатель белгиси 678923, шассиси № 066857 бўлган сарғиш рангли "КамАЗ" — 53121 машинаси қидирилмоқда. Уни ҳайдовчи Шохмурод Муродович Аббосов Олмалиқдаги 3-автокорхонадан 1992 йил 12 ноябрь кунни миниб чиққан.

Ш. М. Аббосов ҳамда юқорида кўрсатилган автомашина ҳақида бирор нарсаси билган кишилардан Тошкент вилояти ИИБга еки 02 ва 65-07-79



телефонлари орқали хабар қилишларини сўраймиз.

ЭЪЛОН

Тошкентдаги 234-мактаб томонидан 1992 йилда Барнохон Абдуазимовна Яминова номига берилган АС № 004585 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганини сабаблан;

Тошкентдаги Фурқат номи 196-мактаб томонидан 1992 йилда Дилдора Усмоновна Тошпўлатова номига берилган А № 095733 рақамли шаҳодатнома йўқолганини сабаблан

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Олий мактаби жамоаси криминалистика куллийетининг доценти полковник А. И. Юринга волидаси Надежда Дмитриевна ЮРИНанинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

■ Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
■ Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
Кўлбасмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Мухаррир Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.